

**“Ўзкимёсаноат” АЖ томонидан 2025 йилда
амалга оширилган ишлар тўғрисида
ҲИСОБОТ**

I. 2025 йилда эришилган асосий кўрсаткичлар.

Саноат – кимё корхоналари томонидан 2025 йилда **21,4 трлн сўм** (бизнес режага – **109,7 фоиз**, ўсиш суръати – **108,1 фоиз**) товар маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Жами соф ҳолда **1 453,8** минг тонна минерал ўғитлар, шундан, **1 112,1 минг тонна** азотли, **121,0 минг тонна** фосфорли ва **220,6 минг тонна** калийли ўғитлар ишлаб чиқарилди.

2024 йилнинг мос даврига нисбатан автомобиль шиналари **477,1 минг донага**, кальцинацияланган сода **6,5 минг тоннага**, натрий цианиди **14,2 минг тоннага**, каустик сода **4,7 минг тоннага**, метанол **2,3 минг тоннага** ишлаб чиқариш ҳажмлари оширилди.

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқаришларида жорий таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

“Навоийзот” АЖда:

2025 йил август ойида 18-сонли цехида йиилик қуввати **24 минг тонна** цианид тузларини ишлаб чиқариши 1-боскичи ишга туширилди;

2-сонли цехида модернизация ишлари амалга оширилиб, йиллик **60,2 минг тонна** цианид тузлари ишлаб чиқарилишига эришилди.

“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ХКда маънан ва жисмонан эскирган дистилляция усулидаги сувни тузсизлаштириш ускунаси тўхтатилиб, унинг ўрнига **тескари осмос** технологияси асосида ишловчи сув тозалаш ускунаси ўрнатилди. Мавжуд тескари осмос тизими қўшимча йилига **489,6 минг м³** ҳажмда тузсизлантирилган сув ишлаб чиқариш имкониятига эга қилинди. Сув тозалаш ускунаси қуввати йилига **612,0 минг м³** дан **1 101,6 минг м³** гача оширилди.

“Аммофос-Максам” АЖ ҳудудида йиллик қуввати **66 минг тонна** сульфат кислотаси замонавий ишлаб чиқариш “Almalyk Sulphuric Acid” корхонаси ишга туширилди.

Экспорт – экспорт ҳажми **659,8 млн долларни** ташкил этиб, ўсиш суръати **126,2 фоизга** таъминланди. Кимёвий маҳсулотларимиз экспорт географияси **55** та давлатга етди.

Инвестиция – инвестиция дастурига киритилган **24 та** лойиҳа доирасида **650,3 млн доллар** хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Шунингдек, мазкур лойиҳалар доирасида умумий қиймати **524,3 млн долларга** тенг **18 та** инвестиция лойиҳаси ишга туширилиб, **2,6 трлн**

сўмлик товар-маҳсулоти ишлаб чиқариш имконияти ҳамда **874 нафар** янги иш ўринлари яратилди.

Маҳаллийлаштириш – маҳаллийлаштириш дастурига асосан **31 та** лойиҳа доирасида **5 190 млрд сўм** маҳсулот ишлаб чиқарилди ва режа-кўрсаткич **126,6 фоизга** бажарилди.

Дастурга киритилган **31 та** лойиҳадан **22 тасининг** маҳаллийлаштириш даражаси **100 фоиз** бўлиб, маҳаллий хомашёлар асосида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган.

Минерал ўғитларни биржа савдоларига қўйиш – республика истеъмолчиларига 2025 йилда жами физик ҳолда **4 772,3 минг тонна** минерал ўғитлар биржа савдоларига қўйилган бўлиб, шундан **2 398,0 минг тонна** сотилган, жумладан, азотли ўғитлар **1 895,3 минг тонна**, фосфорли ўғитлар **294,1 минг тонна** ва калийли ўғитлар **208,5 минг тонна** биржа савдоларида сотилди.

Жумладан, “**Агроплатформа**” ахборот тизимининг алоҳида савдо майдончаси ташкил этилиб **1 595,1 минг тонна** ўғитлар сотилди.

II. Соҳани рақамлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар

1. “**Ўзкимёсаноат**” АЖ ва барча тармоқ корхоналарида **молиявий** ва **ишлаб чиқариш** кўрсаткичлари мониторингини амалга оширувчи “**Автоматлаштирилган ахборот-таҳлил марказ**”лари ишга туширилди.

2. Соҳада ягона сиёсатни юритиш ҳамда корхоналарга тегишли маълумотларни жамлаш ва мониторинг қилиш мақсадида **21 та** вазирлик ва идораларнинг маълумотлар базалари **интеграцияси амалга оширилди**.

3. Ягона рақамли платформа маълумотлари асосида **сунъий интеллект** моделлари **шакллантирилди** ва ҳозирда **model training** бўйича ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, дашбордда сунъий интеллект билан мулоқот учун **чат-бот** яратилди.

4. **Ягона ғазначилик тизими** барча тизим корхоналарида жорий этилиб, янги модуллар ишга туширилди.

5. “**Менинг омборим**” ахборот тизими **ишга туширилди** ва **307 та** омборларга **видеокузатув камералари** уланди ҳамда **маҳсулотлар ҳаракатини онлайн кузатиш** имконияти яратилди.

6. Худудлар ва фермерлар кесимида **минерал ўғитларга бўлган талаб** ва **етказиб берилган маҳсулотларни** мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиб бориш тизими яратилиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “**CropAgro**” ахборот тизими билан интеграция қилинди.

7. “Ягона рақамли платформа” Киберхавфсизлик маркази томонидан “Муҳим ахборот инфратузилмаси объекти” рўйхатига киритилди.

8. 21 мингдан зиёд ишчиларнинг коррупциявий ҳолатларини олдини олиш ва манфаатлар тўқнашувини бартараф қилувчи модуль ишга туширилди.

9. Тармоқ корхоналарнинг асосий маҳсулотлари кесимида бир тонна маҳсулотга сарфланаётган энергия ресурслари сарфини автоматик равишда ҳисоблаш йўлга қўйилди ва “dashboard”да акс эттирилди.

III. Экология ва атроф-муҳитни асраш бўйича амалга оширилган ишлар

2025 йилда кимё корхоналарида умумий қиймати 35,7 млрд сўмлик 91 та чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, 2025 йилда тармоқ корхоналарида 4 дона чанг-газ тозалаш ускуналари самараси 95 фоиздан оширилди, корхоналар санитар ҳимоя ҳудудларига 32 дона экопостлар ва 6 дона автоматик газ таҳлиллагичлар ўрнатилди.